

«ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, КУРСАНТ ВА ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ»

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10071775>

Рузибаев Мансурбек Сабирович

*Фарғона давлат университети, Ҳарбий таълим факультети умумқушин
тайёргарлик цикли ўқтувчиси резервдаги подполковник*

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

1. Ватанпарварлик тарбияси ўз Ватанига мухаббат ва фидокорона содиқлик туйғусини, ўз ҳалқининг қаҳрамонона тарихига, унинг маънавий меросига юқори фахр ва ифтихорни сингдириш мақсадини кўзлайди. У аскарда қўлда қурол билан ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун чиқишга доим тайёр бўлишни шакллантиради.

2. Аҳлоқий-маънавий тарбия ўз ичига аскарларнинг онги ва ҳулқида миллий мағкуруни, умуминсоний бойликларни мустаҳкамлашни, улар томонидан Ўзбекистон ҳалқи тарихи, маъданияти ва анъаналарини, жаҳон маданияти намуналарини чуқур ўзлаштиришни олади. Шахсий таркибда юқори ҳарбий бурчни англашни, аҳлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш одатларини, номус, виждан, инсофгарчилик, жамоачилик, ўртоқчилик, ўзаро ёрдам бериш ҳиссиётини, тўғрилик ва ростгўйликни, бирга ишлайдиганларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни, давлат ва ҳарбий мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантиради.

3. Ҳарбий тарбия шахсий таркибда ҳарбий хизмат хусусиятларида шартлашилган сифатларни шакллантиришга қаратилган, улар қўйидагилар: ҳарбий бурч ҳисси, ташаббускорлик, мустақиллик, зеҳн, жанговар фаоллик, мардлик, довюраклик, ҳарбий ишни эгаллашга интилиш ва ҳ.к. Ҳарбий хизматчидаги ҳарбий хизмат ва жанговар фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган фикрлаш усули ва ҳулқини ўстириш.

4. Ҳуқуқий тарбия ҳарбий хизматчиларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, унинг қонунлари ва ҳуқуқий тартибига ҳурматни, бутун хизмат ва ҳаётнинг ўтишида Ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий низомлар талабларини қатъий бажаришнинг зарурияти, қонунчиликни мустаҳкамлашда фаол қатнашишга тайёр туришни англашни шакллантириш билан боғлиқ.

Жанговар ҳолатда олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон жангчиларида юқори ватанпарварлик, Ватанга севги, қасамёдга содиқликкаби буюк туйғуларни шакллантириш;

2. Жангчилардаги тинч ҳаёт тушунчасини ҳарбий онга айлантириш, уларни ҳарбий ҳаётга кўнижтириш, совуққонлик ва тез қарор қабул қилишга;

3. Ҳарбийларда ўз қуролига ва техникага ишонч, уларни яхши ҳолатда сақлаш ва ҳар доим шайлик ҳолатида ушлаб туришга;

4. Шахсий таркибда интизом ва юқори бажарувчанлик, мардлик ва тезкорлик, чидамлилик ва топқирчанлик, ҳарбий дўстлик каби туйғуларни шакллантиришга;

5. Шахсий таркибни узлуксиз ва тезкор сиёсий ҳабарлар билан таъминлаб туришни таъминлашга, ҳарбий ютуқларни кенг оммага ёйиш, тажрибалар билан бўлишишга;

6. Шахсий таркибни мафкуравий жаннга тайёрлашга;

7. Жангчиларни ҳамма керакли нарсалар билан таъминлашга;

8. Жангчиларда жисмоний чидамлиликни ве ҳар ҳил табиий шароитларда ишлашга ўргатишга;

Ҳимояда тарбиявий ишларнинг асосий вазифаси жангчиларда юқори жанговар шайликни, чидамлиликни ва тетикликни ушлаб туришга қаратиласган. Жангчиларни ҳаракатланишида шахсий таркибни мобилизация қилиш керак.

Жанговар шароитда тарбиявий иш - бу қисм ва бўлинмалар олдига қўйилган жанговар вазифани тўлиқ бажариш, ҳар ҳил жанговар жараёнда душманни мағлубиятга учратишида шахсий таркибнинг юқори рўҳий кайфиятини сақлашда командир ва тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарининг ташкилий фаолиятидир. Тарбиявий ишларнинг услублари ва шаклларининг қисқача мазмуни жанговар шароитдақисм ва қўшинлар вазифасининг мақсад ва ҳусусиятидан, жанговар шароитидан, қўшинларнинг майдондаги ўрганиш даражасидан, шахсий таркибнинг рўҳий аҳволига, уларнинг жанговар тажрибасидан ва бошқа омиллардан аниқланади, тарбиявий ишларнинг жанговар шароитидаги асосий мақсади: қисм ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ва юқори даражада жанговар қобилияти қилиб таъминлаш, шахсий таркибнинг аскарий интизомини ва юқори-рўҳий психологик ахволини сақлаш, тўлиқ қатъият билан душманни забт этиш ва жанговар вазифани бажаришда аскарларни сафарбар қилиш натижасидир.

Жанговар вазиятда қисм ва бўлинмаларда, шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар кенг доирадаги вазифаларни ҳал этади. Жанговар ҳаракатда жанг олиб боришда ва улар олдига қўйилган вазифани бажаришда, жангчиларни жалб этишда рўҳий-психологик тайёргарлик асосан, боғлиқ бўлади.

Жанговар ҳаракат жараёни вақтида тарбиявий ишларнинг қўйидаги йўналишлари вужудга келади:

- Ҳарбий хизматчиларнинг психологиясини тинч ҳолатдан ҳарбий вазиятга улар тарбиясининг юқори рўҳий-психологик сифатини;
- Доимий жанговар эҳтиёткорлигини;
- Огоҳликни;
- Вужудга келган жанговар вазифани бажаришга тайёргарликни хавфли вазиятга ўзгариши.

Жанговар шароитларда тарбиявий ишларни ташкиллаштириш 3 даврга бўлинади:

- Жангва тайёрланиш даври;
- Жанг вақтидаги тарбиявий ишлар;
- Жанговар ҳаракатлар тугаганидан кейинги бажариладиган тарбиявий ишлар.

Жанговар ҳаракатга қатнашган қисм ва бўлинма командирлари шуни эсда тутишлари керакки, фаоллар шахсий таркибининг ярмидан кўпини ташкил этади ва улар жангда ғалабага эришилишини таъминлайдилар, шунинг учун улар ҳар томонлама маълумотга эга бўлишлари керак. Жангчиларнинг жаннга киришишлари учун командирлар чақирув орқали кўмаклашиб, ташаббускор бўлишга чақиради. Улар жанг олиб борётган сафдошлари ҳақида маълумот бериб, уларга шахсий намуна орқали жангда ўзларини кўрсата олишларига чақиради.

Шахсий таркибга таъсир кўрсатиш учун жангда қуйидаги усул ва шакллар ишлатилади:

- Шахсий таркибга командирлар намуна бўлишади;
- Ўзаро кўмак бериш, ёрдам бериш учун тажрибали жангчилар маслаҳатлари;
- Чақирувчилар-жанговар варақалар тарқатиш;
- Жангчи, сержантларга давлат мукофотлари ҳақида эълонларни етказиш.

Шахсий таркиб билан ишлашда командирлар ва айниқса, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари шахсий таркиб билан үзлуксиз шахсий алоқада бўлиши кераклигини тажрибалар тасдиқлайди. Жанговар ҳаракатнинг боришида бу талаб янада кучаяди.

ФОЙДАЛАНИЛГА АДАБИЁТЛАР:

1. Рузибаев, Мансурбек Собирович, and Юлдузхон Сабуровна Розибаева. "ОТКРЫТЫЙ УРОК НА ТЕМУ:" СКАЗКИ ПУШКИНА"." MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS 1.1 (2023): 128-137.

2. Sabirovich, Ruzibaev Mansurbek, et al. "KONSTITUTSIYA-YOSHLARNI IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISH." Scientific Impulse 1.4 (2022): 2010-2015.

3. Рузибаев, Мансурбек Собирович, and Юлдузхон Сабуровна Розибаева. "ОТКРЫТЫЙ УРОК НА ТЕМУ:" СКАЗКИ ПУШКИНА"." MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS 1.1 (2023): 128-137.

4. Sabirovich, Ruzibaev Mansurbek, et al. "KONSTITUTSIYA-YOSHLARNI IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISH." Scientific Impulse 1.4 (2022): 2010-2015.

5. Рузибаев, Мансурбек Собирович, and Юлдузхон Сабуровна Розибаева. "ОТКРЫТЫЙ УРОК НА ТЕМУ:" СКАЗКИ ПУШКИНА"." MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS 1.1 (2023): 128-137.

6. Sabirovich, Ruzibaev Mansurbek, et al. "KONSTITUTSIYA-YOSHLARNI IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISH." Scientific Impulse 1.4 (2022): 2010-2015.

7. Рузибаев, Мансурбек Собирович, and Юлдузхон Сабуровна Розибаева.
"ОТКРЫТЫЙ УРОК НА ТЕМУ:" СКАЗКИ ПУШКИНА"." MODERN EDUCATIONAL SYSTEM
AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS 1.1 (2023): 128-137.